

№ 16/3-1603 -сон
2021-yil. «16» 05

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги**

2021 йил 11 июндаги
32-11-сон топшириғига

Вазирликнинг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлар дастурининг 69-бандига асосан Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида 2021 йил 15 сентябрь куни “Ахборот-компьютинг марказининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш” мавзусидаги ўтказилган видеоконференция тарзидаги йиғилиш маълумотлари PDF ва PPTX иловалар орқали юборилмоқда.

Ҳавола: <https://inha.uz/pages/254>

PDF-иловалар сони: 2 бет.

PPTX-слайдлар сони: 13 бет.

Проректор




Т. Турдимуратов

Ижрочи: К.Сембиев
Тел: 71 2899999 (ички рақам 0222)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент шаҳридаги Инҳа
университети проректори



Т.Турдимуратов

« 15 » 09 2021 йил

**Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида “Ахборот-компьютинг
марказининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг
мазмун-моҳиятини тушунтириш” мавзусида ўтказилган онлайн йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

Сана 15.09.2021 йил.

соат 11:00 да

Тошкент шаҳри.

Раислик қилувчи:

Т.Турсунмуратов – Проректор

Қатнашдилар:

К.Сембиев – Ахборот-компьютинг маркази бошлиғи
И.Юлдашев – Юридик бўлими бош юрисконсулти
ҳамда университетнинг барча бўлим бошлиқлари
ва масъул мутахассислари.

КУН ТАРТИБИ

Ахборот-компьютинг марказининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик
ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш

Т.Турсунмуратов, Н.Абулов, К.Сембиев ва И.Юлдашев сўзга чиқдилар

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (кейинги ўринларда-
Университет) проректори йиғилишни очиб берди, шундан сўнг Университет
Ахборот-компьютинг маркази (кейинги ўринларда-АКМ) бошлиғи К.Сембиев
сўзга чиқиб, АКМнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик
ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан таништириб ўтди. Бунда, қуйидагилар
тушунтириб ўтилди:

- Университет низоми
- АКМ низоми
- Лавозим йўриқномаси
- Ахборот хавфсизлиги сиёсати
- Ахборот хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар режаси (ҳар йил тасдиқланади)
- Университетда Интернет ва э-почта ресурсларига кириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома
- АКМ ходимлари учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича йўриқнома ва б.

Бундан ташқари, АКМнинг асосий фаолияти, асосий вазифалари ҳамда Университет ахборот хавфсизлиги сиёсатига оид муҳим бўлган бир қатор маълумотлар бериб ўтилди.

Шундан сўнг Юридик бўлими бош юрисконсулти И.Юлдашев сўзга чиқиб, АКМ фаолиятига доир қўшимча маълумотлар билан таништириб ўтди.

Кўриб чиқилган масалалар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида йиғилиш **қарор қилди:**

1. Университетнинг АКМ (К.Сембиев) Юридик бўлим билан биргаликда АКМнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти бўйича доимий равишда тушунтириш ишларини олиб борсин.

2. Ушбу баённома ижросини назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани тузувчи



К.Сембиев